

“Тасдиқлайман”  
“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш  
Лойиха оғиси раҳбари ўринбосари  
Ш.Маматов

“06.06.2022 2022 йил

“Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидағи пахта тозалаш корхоналари  
билин пахта-тўқимачилик кластер корхоналари ўртасида  
ҳисоб-китобларни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиши  
ва иш фаолиятига тадбиқ этиши бўйича  
энг яхши таклифларни танлаш

### **ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

Манзил: Тошкент шаҳри, Ш.Руставелли кўчаси, 8-уй

Тошкент ш.

2022 йил

## Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

<b>1. Умумий қоидалар</b>	<p>1.1. Ушбу танлов иштирокчилар учун хўжжатлар Ўз.Р амалдаги меъёрий хужжатлар талаблари асосида ишлаб чиқилган;</p> <p>1.2. Танлов мақсади - “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидағи пахта тозалаш корхоналари билан пахта-тўкимачилик кластер корхоналари ўртасида хисоб-китобларни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва иш фаолиятига тадбиқ этиш;</p> <p>1.3. Танловнинг якуний баҳоси – 150 000 000 (бир юз эллик миллион) сўм;</p> <p>1.4. Танлов таклифи билан кўрсатилган нарх якуний баҳодан ошмаслиги керак;</p> <p>1.5. Харид комиссияси мажлис шакллари электрон тартибда.</p> <p>1.6. Келиб тушган таклифларга биноан шартнома шаклидаги шартларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.</p>
<b>2. Танлов ташкилотчилари:</b>	<p>2.1. Тошкент шаҳри, “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиши Лойиҳа оғиси танловнинг буюртмачисидир;</p> <p>Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Ш.Руставелли кўчаси, 8-уй</p> <p>2.2. Комиссиянинг ишчи органи – жамият харид комиссияси ҳисобланади (кейинги ўринда – ишчи орган).</p>
<b>3. Тендер иштирокчилари:</b>	<p>3.1. Мулкчилик шаклидан қаътий назар юқори малакали мутахассисларга эга бўлган юридик шахс, шу жумладан 4.2-бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.</p> <p>3.2. Иштирокчилар қуидаги мезонларга жавоб бериши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>- белгиланган маблағларни, йшлаб чиқариш базасини, меҳнат ресурсларини ва ишларни (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган мутахассисларни тақдим этиш учун танлов саволлари предмети қийматининг камида 30% миқдорида айланма маблағнинг мавжудлиги;</li><li>- зарур техник, молиявий, материалларнинг мавжудлиги, шартнома бажариш учун инсон ва бошқа ресурслар:</li><ul style="list-style-type: none"><li>- шартнома тузиш хуқуқи;</li><li>-солик қарзи ва бошқа мажбурий тўловларнинг йўқлиги;</li><li>- уларга нисбатан жорий қилинган банкротлик процедураларининг йўқлиги;</li></ul></ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>- “Буюртмачи” билан суд ёки ҳакамлик суд ишларининг йўқлиги;</li> <li>- виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида ёзувнинг йўқлиги.</li> </ul>
<b>4. Танлов тартиби:</b>	<p><b>ўтказиш</b></p> <p>4.1. Танловда қатнашиш учун иштирокчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>а) расмий веб-сайтда (<a href="http://etender.uzex.uz">etender.uzex.uz</a>) жойлаштирилган харидлар тўғрисида хужжатларнинг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);</li> <li>б) харид хужжатлари талабларига мувофиқ танлов таклифини тақдим этиш.</li> </ul> <p>4.2. Қўйидаги ҳолларда иштирокчилар танловда иштирок этишларига йўл қўйилмайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>* қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлганлар;</li> <li>* Буюртмачи билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш;</li> <li>* виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлганлар;</li> <li>* соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд қарзларга эга бўлганлар.</li> </ul> <p>4.3. Буюртмачи иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита мижознинг ёки корхонанинг бошқа амалдаги ёки собиқ ходимига ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклиfinи берса;</li> <li>- давлат харидлари жараёнида ходимларнинг ҳар қандай хатти-харакатларини амалга оширишга, қарорларни қабул қилишга ёки ҳар қандай танлов тартибини кўллашга таъсир қилиш мақсадида бошқа ҳар қандай нарсалар ёки хизматлар таклиф қилса;</li> <li>- иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса;</li> <li>- шартнома шартларини бузса.</li> </ul>
<b>5. Танлов шартларига кўра танлов тили:</b>	<p>5.1. Иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган танлов таклифи ва унга тегишли барча ёзишмалар ва хужжатлар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши керак.</p>
<b>6. Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби:</b>	<p>6.1. Иштирокчилар Порталда эълон қилинган танлов шартлари бўйича таклифларни электрон шаклда юборадилар.</p> <p>6.2. Танлов иштирокчиси:</p>

	<p>- тақдим этилган таклифни ушбу таклифларни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш хуқуқига эга.</p> <p>6.3 Танлов таклифи электрон шаклда тақдим этилади.</p>
<b>7. Танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш:</b>	<p>7.1. Зарурият туфайли, буюртмачи танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш түғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш түғрисида қарор таклифларни тақдим этиш муддатидан уч кундан кечиктирмай қабул қилиниши мумкин. Танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш жараёнида хужжатлар (ишлар, ҳизматлар) турини ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.</p> <p>Агар таклифларни қабул қилиш муддати тугагунига қадар танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилганда таклифларни қабул қилиш ўн кун муддатгача узайтирилиши мумкин.</p>
<b>8. Томонларнинг жавобгарлиги ва маҳфийлик:</b>	<p>8.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган жавобгарлик қўйидаги шахслар зиммасига юкланди:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ишчи орган таркибида кирувчи, келиб тушган таклифлар ҳисобини юритадиган ва уларнинг хавфсизлиги ва маҳфийлигини таъминлайдиган шахслар.</li> <li>- Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш бўйича мутахассислар ва бошқа иштирокчилар, маълумотни ошкор қилиш имкониятига эга бўлган шахслар ва тайинланган экспертлар билан тил бириктириш ҳамда маълумотларнинг ошкор этилишига қарши бошқа чоралар кўриш учун тузилган гуруҳ аъзолари.</li> </ul>
<b>9. Бошқа шартлар:</b>	<p>9.1. Танлов иштирокчиси буюртмачига танлов эълонда кўрсатилган шаклда танлов хужжатлари қоидаларига аниқлик киритиш түғрисида сўров юбориш хуқуқига эга. Белгиланган сўров олинган кундан бошлаб икки иш куни ичидаги буюртмачи белгиланган муддатда танлов хужжатлари қоидаларига оид тушунтиришларни юбориши шарт. Агар сўров танлов муддати тугашига икки кундан кам вақт қолганда юборилган бўлса, танлов хужжатлари қоидаларига тушунтиришлар бериш мажбурий эмас.</p>

	<p>9.2. Танлов комиссияси томонидан танлов ўтказилмаган деб топилиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- агар танловда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса;</li> <li>- агар таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича танлов комиссияси барча таклифларни танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли рад этган бўлса;</li> </ul> <p>9.3. Буюртмачи танлов бўйича таклифларни қабул қилишдан олдин исталган вақтда танловни бекор қилишга ҳақлидир. Танлов бекор қилинган тақдирда, буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини маҳсус ахборот порталида эълон қиласди.</p> <p>9.4. Танлов натижаларига кўра, танлов ҳужжатлари ва танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида шартнома тузилади.</p>
<b>10. Шартнома тузиши:</b>	<p>10.1. Танлов комиссиясининг қарори билан танлов ғолиби деб эълон қилинган танлов иштирокчиси буюртмачидан ёзма равища ёки мавжуд алоқа боғланишлари орқали хабарнома олади. Агар танлов ғолиби танлов шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш ҳуқуқи танлов ғолибига даъвогар бўлган кейинги иштирокчи томонидан таклиф қилинган нарх бўйича шартнома тузиши ёки тузишдан бош тортиши мумкин.</p>


Бош ҳисобчи

Юридик бошқарма бошлиғи

Бош ҳисобчи ўринбосари

Бўлим бошлиғи

Бўлим бошлиғи



Х.Джумаев



Ф.Курбанов



Т.Кучкаров



Ж.Лолаев



Э.Бойкулов